

АКАДЕМИК САЙФУЛЛО ТУРСУНОВ: ИЛМ ВА ИНСОНИЙЛИК ЧОРРАҲАСИ

ҚОБУЛОВ ЭШБОЛТА АТАМУРОВОВИЧ

*Турон ФА нинг академиги, тарих фанлари
доктори, профессор*



Тарихнинг тирик садоси

Тарих – шунчаки ўтиб кетган воқеалар силсиласи эмас, балки миллатнинг ўзлигини англатувчи буюк кўзгудир. Бу кўзгуни чангдан тозалаб, келажак авлодга тиниқ ҳолда етказиш эса ҳар бир олимнинг зиммасидаги муқаддас бурчдир. Сурхон замини ўзининг минг йиллик сирларини ҳар кимга ҳам очавермайди. Бунинг учун инсон узок йиллар заҳмат чекиши, воҳа тупроғининг ҳар бир зарраси билан тиллашиши керак. Инсон умри оқар дарё, дейдилар. Аммо баъзи дарёлар борки, улар ўз ўзанидан тошиб, бутун бир воҳани обод қилади, чанқоқ қалбларга илм суви билан ҳаёт бахш этади. Сурхон замини қадим-қадимдан алломалар ва жасоратли инсонлар бешиги бўлиб келган. Бугун ана шу анъаналарнинг муносиб давомчиси, воҳа тарихшунослигининг йирик вакили, академик Сайфулло Нарзуллаевич Турсунов кутлуғ 70 ёшни қаршиламоқда. Биз, шогирдлар учун устоз шунчаки илмий раҳбар эмас, балки ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларида йўл кўрсатувчи маёқ, илм фаннинг ҳақиқий фидойисидир.

Илдизлар ва шаклланиш: Билимга баҳшида ёшлик

Сайфулло Нарзуллаевич 1956 йилнинг 10 майида, табиатнинг энг гўзал палласида дунёга келди. Унинг болалиги ва ёшлиги илмга чанқоқлик, китобга бўлган чексиз муҳаббат билан кечди. 1977 йилда М.Т.Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институтининг тарих ва

жамиятшунослик йўналишини имтиёзли тамомлагани унинг келажакдаги улкан ғалабаларининг илк дебочаси эди. Устоз ўз фаолиятини Шеробод туманидаги 28-сонли умумий ўрта таълим мактабида оддий фан ўқитувчиси сифатида бошлади. Бу давр устоз учун жуда муҳим эди, чунки у тарихни нафақат китоблардан, балки оддий халқнинг турмуш тарзидан, воҳанинг қадимий қишлоқлари ва одамларининг хотираларидан ўргана бошлади. 1977 йилнинг августидан декабрига қадар давом этган бу қисқа, аммо мазмунли давр ёш мутахассис учун ҳаёт мактаби бўлди. У ерда у халқнинг ичига кирди, тарихни фақат китоблардан эмас, балки тирик одамларнинг тақдиридан излаш кераклигини англади.

Илм Чўққилари: Изланиш ва Заҳмат

1978 йилнинг январь ойидан бошлаб устознинг ҳаёти олий таълим билан чамбарчас боғланди. Термиз давлат педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлаб, ректорликкача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. У ерда ўқитувчи, кафедра мудири, проректор ва ректор каби турли масъулиятли лавозимларда фаолият юритиб, университет ривожига беқиёс ҳисса қўшди. Сайфулло Нарзуллаевич нафақат тарих илмини чуқур ўрганган олим, балки тарихни юракдан ҳис қилган, уни ёш авлод қалбига сингдира олган камтар ва фидойи устозлардан биридир. Устознинг дарсларини эслаган ҳар бир талаба ёки шогирд бир нарсани албатта таъкидлайди: у киши тарихни фақат фактлар йиғиндиси

сифатида эмас, балки инсоният тажрибаси, халқ хотираси ва миллий ўзликни англашнинг муҳим манбаи сифатида тушунтирар эди.

Сайфулло Турсуновнинг илмий йўли изчил ва мустаҳкам пойдеворга қурилган. Сайфулло Нарзуллаевич Турсунов ўзининг бутун умри ва меҳнاتини тарих илмини ривожлантиришга бағишлаган олимлардан биридир. Ёшлигиданоқ илмга бўлган қизиқиши, тарихий манбаларга синчковлик билан ёндашиши ва илмий изланишга бўлган қатъияти уни академик муҳитда тезда танитди.

Устоз илмий фаолияти давомида ўзбек тарихининг турли даврлари, ижтимоий жараёнлари ва минтақавий тарих масалаларини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Айниқса, тарихий манбаларни таҳлил қилиш, архив ҳужжатлари асосида воқеаларни қайта тиклаш ва тарихий ҳақиқатни имкон қадар аниқ ифодалаш борасидаги ёндашуви билан кўплаб ёш тадқиқотчилар учун намуна бўлиб келмоқда.

Устознинг илмий ишларига хос бўлган муҳим жиҳатлардан бири – фактларга садоқат ва илмий ҳалолликдир. У киши доимо шогирдларига шундай насиҳат қиларди: “Тарихчи аввало ҳақиқат олдида масъулдир”. Ана шу тамойил устознинг бутун илмий фаолиятига сингиб кетган. У 1985 йилда “Ўзбекистонда янги шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда “Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторнинг ривожланиши: муаммолар ва натижалар (1946-1965-й.й)” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли яқунлаб, тарих фанлари доктори илмий даражасига эришди. 1999 йилда профессор унвонига лойиқ кўрилди. 2012 йилда Турон фанлар академиясининг академиги этиб сайланди. Сайфулло Нарзуллаевични яқиндан таниганлар унинг камтарлиги, бағрикенглиги ва самимийлигини алоҳида таъкидлайдилар. Илмий даража ва унвонлар қанчалик юқори бўлмасин, устоз ҳар доим оддийликни

сақлаб қолган инсонлардан биридир.

Устоз билан суҳбатлашган инсон бир нарсани тезда сезади: у тарихни нафақат илм сифатида, балки ҳаётий тажриба сифатида ҳам англайди. Ҳар бир воқеа, ҳар бир тарихий жараён устоз учун инсон тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам устознинг суҳбатлари кўпинча нафақат илмий, балки маънавий сабоққа ҳам айланарди. У кишининг аввало бағрикенглиги, ҳаётий тажрибаси, мулоҳазалари ва донишмандона маслаҳатлари кўплаб шогирдлар учун ҳаёт йўлида муҳим таянч бўлиб хизмат қилган.

Бу йиллар давомида устоз Термиз давлат университетида маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор сифатида фаолият юритиб, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан университетда маънавият ва маърифат масканлари янги босқичга кўтарилди. Қисқа муддат бўлса-да ректорлик даври жамоа орасида бир умрга эсда қоладиган воқеаларга бой бўлди. Айнан олимлар ҳурматини жойига қўя олган раҳбардир. Домла даврида илмий даражага эга олимлар туғилган кунларида ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилган бўлса, илмий мақоласи нашр қилинган ёшлар ҳам эътибордан четда қолмаган.

“Сурхондарёнома”-воҳа энциклопедисти

Сайфулло Турсунов деганда кўз олдимизда Сурхондарё тарихининг ҳар бир саҳифасини синчковлик билан тадқиқ этган олим намоён бўлади. Устознинг қаламига мансуб 350 дан ортиқ илмий, услубий ва оммабоп асарлар воҳанинг ўтмишини бугун билан боғловчи олтин кўприқдир. Сайфулло Нарзуллаевич Турсуновнинг илмий мероси Ўзбекистон тарихшунослигида муҳим ўрин тутди. Унинг илмий ишлари тарихий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, манбаларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш ва тарихий тафаккурни ривожлантириш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга.

Устознинг илмий фаолияти нафақат академик доира, балки кенг жамоатчилик учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки тарихни англаш – бу ўзликни англашдир. Устоз ана шу ҳақиқатни ўзининг илмий

ишлари ва педагогик фаолияти орқали кўрсатиб берди. Жумладан, ҳудудий тарих: “Сурхондарё тарих кўзгусида”, “Сурхондарё тарихи”, “Шеробод тарихи”, “Жарқўрғон”, “Денов”, “Бойсун”, “Термиз тарихи”, “Термиз тумани тарихи”, “Кумқўрғон”, “Бандихон”, “Қизирик тарихи” каби монографиялар ҳар бир туман тарихини алоҳида-алоҳида тадқиқ этган; Этнография ва Маданият: “Сурхондарё – этнографик макон”, “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи”, “Ўзбек миллий кураши тарихи” каби асарлар миллий ўзлигимизни англашда бебаҳо манбадир; “Термизий буюк сиймолар”, “Имом Исо Термизий ва Термизий алломалар”, “Термизийларнинг илмий тафаккури” каби асарлари билан жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз руҳини шод этди.

Бугунги кунда устоз нафақат тарихчи, балки инновациялар тарғиботчисидир. 2010 йилдан буён вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказини бошқариб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 13 йил давомида 5 та йирик илмий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, у Англия, Япония, АҚШ ва Франция каби давлатларнинг нуфузли илмий институтлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Халқаро Эътироф: Кембриждан Япониягача

Сайфулло Нарзуллаевичнинг меҳнати дунё миқёсида ҳам муносиб баҳоланган. 2002 йилда Англиянинг Кембриж халқаро биографик маркази томонидан “XXI асрнинг машҳур 2000 олими” унвонига лойиқ кўрилгани нафақат Сайфулло Нарзуллаевичнинг, балки бутун Сурхон илмий мактабининг жаҳон миқёсидаги ютуғи эди.

Бугунги кунда устоз Япония, АҚШ, Франция каби давлатларнинг нуфузли илмий марказлари билан ҳамкорликда халқаро лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Бу эса у кишининг замонавий илм-фан талабларига қанчалик мос эканлигини кўрсатади. У кишининг ташаббуси билан ташкил этилган

“Сурхондарё: илм ва тафаккур” илмий журнали бугун кўплаб ёш тадқиқотчилар учун маҳорат мактабига айланган.

Устоз-Шогирд Анъаналари: давомийлик сири

Ҳар бир олимнинг ҳақиқий бойлиги – унинг шогирдлари. Сайпулло Нарзуллаевич Турсунов ҳам ўзининг самарали педагогик фаолияти давомида кўплаб талабалар ва ёш тадқиқотчиларни тарбиялаб етиштирди. Бугунги кунда турли илмий муассасаларда, университетларда фаолият юритаётган кўплаб тарихчилар устознинг илмий мактабидан сабоқ олган.

Устознинг шогирдлар билан ишлаш услуги алоҳида эътиборга лойиқ. У ҳеч қачон ёш тадқиқотчининг фикрини кескин рад этмас, аксинча уни илмий мулоҳаза юритишга, мустақил хулоса чиқаришга ундарди. Бир қарашда оддий саволлар орқали у талабанинг фикрлаш доирасини кенгайтириб юборарди. Кўпинча илмий семинар ёки суҳбат жараёнида устоз шундай дер эди: “Савол беришдан кўркманг, тарих саволлар орқали ривожланади”. Бу сўзлар кўплаб шогирдлар учун илмий изланишнинг асосий қоидаларидан бирига айланган. Шогирдлар учун Сайфулло аканинг яна бир энг катта дарси – бу у кишининг Инсонийлиги. Ёдимда 1982 йил армияни битириб келган йилим, ўшанда домла тайёрлов бўлимининг ўринбосари эканлар. Биринчи учрашувим самимий мулоқотдан сўнг, тарих йўналиши университетнинг юраги эканлиги ва унга ажратилган ўрин камлигини айтиб ўша даврда бу йўналишда асосан “элита” оилаларнинг фарзандлари ўқишини таъкидлаб менга қарадилар. Кел сен билан савол-жавоб қилиб кўрайчи дедилар. Мен устоз сўраган барча саволларга жавоб бера олдим. Домла мен билан савол-жавоб қилаётганда тарих йўналишида ўқийдиган талабалар ҳам бор эди. Шунда уларга қараб мана эртанги ҳақиқий тарихчи деган эдилар. Шу сабабли беш йил ўқиш давомида ҳамиша устоз эътиборида бўлдим. Сайфулла ака куратор, мен гуруҳ сардори сифатида бақамти фаолият юритдик. Институтда фаолият юритган пайтда мени устоз тарих фанлари

доктори Ғуломқодир Рашидовнинг уйига олиб бориб таништирди. Айнан домланинг кўмаги ёрдамида беш йилда фан номзоди даражаси ҳимоя қилдим. Бу ўша даврда яхши кўрсаткич эди. Ҳаётда ютуғинг билан қувонадиган ва ҳасад билан қарайдиганлар бўлар экан. Ўша даврда ҳимоядан кейин диплом олиш йиллаб чўзиларди. Факультетнинг ҳар йиғилишида университетдан тарихдан бир киши ҳимоя қилган экан, у “қора”рўйхатда экан, менимча қайтди деган сўзлар менга қарата отиларди. Ичимдан зил кетардим. Бир куни давлат имтиҳонида ўтирибмиз, яна ўша эски пластинка айланди. Бугун менга хабар келди иш қайтибди деди. Тасаввур қилинг инсон қандай ҳолга тушади. Ўша пайт Сайфулла ака хонага кириб келиб, Эшболтани табрикланглар мана дипломи келди деб мени кучоқлаб табриклади. Устознинг биринчи шогирди сифатида кўплаб қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Аммо қийинчилик ва машаққатли йўлдан кўркмай қилинган ҳаракат ўзининг натижасини берди. Бугун фан доктори, профессор сифатида устоз олдидаман.

Забардаст олим сифатида устоз мактабидан унинг раҳбарлигида 3 та фан доктори, 40 га яқин фан номзодлари ва PhD етишиб чиқди. У киши учун шогирд – бу шунчаки илмий иш ёзувчи эмас, балки миллат келажагини қурувчи зотдир.

Устознинг қатъияти, ўз сўзига содиқлиги, вақтни заргарлик аниқлигида тежаши барчамизга ўрнак. У киши доимо: “Ҳар бир маълумотни қайта-қайта текширинг, ишонч ҳосил қилмасдан туриб хулоса чиқарманг”, деб ўғит беради. Бу эса ҳақиқий олимнинг этик мезонидир.

Маънавият ва жамият фидойиси

Сайфулло Турсунов нафақат кабинет олими, балки фаол жамоатчилик вакили ҳамдир. Вилоят ИИБ, прокуратура, “Маҳалла” жамғармаларида маънавий-

маърифий маърузалари билан халқ ичида бўлиб келмоқда. “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятидаги иштироки, матбуот ва телевидениедаги чиқишлари билан жамиятимизнинг маънавий юксалишига хизмат қилмоқда.

Бугун Академик Сайфулло Турсунов ўзининг 70 йиллик довоида ортига боқиб, қилган ишларидан, тарбиялаган юзлаб шогирдларидан фахрланса арзийди. Академик Сайфулло Турсуновнинг 70 йиллик умр йўли – бу миллат тарихини тиклаш йўлидаги тинимсиз сафардир. Унинг ҳар бир китоби, ҳар бир мақоласи Сурхон воҳасининг, демакки, Ўзбекистоннинг бой тарихий меросини улуғлашга хизмат қилади. Устознинг ҳаёт йўли бизга бир ҳақиқатни яна бир бор эслатади: илмга садоқат, меҳнатга фидойилик ва камтарлик инсонни ҳақиқий устоз даражасига олиб чиқади. Сайфулло Нарзуллаевич Турсунов бугун 70 ёшни қарши олаётган бўлса-да, унинг илмга бўлган қизиқиши, ёшлар билан ишлашга бўлган иштиёқи ҳамон сўнмаган. Бу эса устознинг руҳий қуввати ва илмга бўлган чексиз муҳаббатидан далолат беради.

ХУЛОСА

Устоз, Сизнинг илмий жасоратингиз, инсоний фазилатларингиз ва ватанпарварлигингиз биз учун доимо ўрнак бўлиб қолади. Устоз, Сиз Сурхон воҳасининг ҳар бир тепалигини, ҳар бир тошини сўзлатдингиз. Сизнинг қаламингиз остида ўтмиш тирилди, келажак учун пойдевор қурилди. Сизга узоқ умр, сihat-саломатлик ва янги-янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Юбилейингиз муборак бўлсин, воҳа тарихининг тирик хазинаси! Келажакда ҳали кўплаб шогирдлар Сизнинг асарларингиздан баҳраманд бўлиб, миллий тарихимизни янада юксакларга кўтаришига ишончимиз комил.